

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САНИТАРИЯ, ГИГИЕНА ВА КАСБ КАСАЛЛИКЛАР ИЛМИЙ
ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

АХМЕДОВА ДИЛАФРУЗ БАХАДИРОВНА

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИ ИШЧИЛАРИДА
ПНЕВМОКОНИОЗНИНГ РИВОЖЛАНИШ ХАВФИ ОМИЛЛАРИНИ
ПРОГНОЗЛАШТИРИШ ТИЗИМИНИ ИЛМИЙ АСОСЛАШ ВА
ОЛДИНИ ОЛИШ ТАДБИРЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

14.00.07 – Гигиена

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ - 2023

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Ахмедова Дилафруз Бахадировна

Ишлаб чиқариш корхоналари ишчиларида пневмокониознинг
ривожланиш хавфи омилларини прогнозлаштириш тизимини илмий
асослаш ва олдини олиш тадбирларини ишлаб
чиқиш.....

3

Ахмедова Дилафруз Бахадировна

Научное обоснование системы прогнозирования факторов риска
развития пневмокониозов у работников промышленных предприятий и
совершенствование профилактических мероприятий
.....

29

Akhmedova Dilafruz Bahadirovna

Scientific substantiation of the system for predicting risk factors for the
development of pneumoconiosis in industrial workers and improving
preventive measures.....

55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....

59

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САНИТАРИЯ, ГИГИЕНА ВА КАСБ КАСАЛЛИКЛАР ИЛМИЙ
ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

АХМЕДОВА ДИЛАФРУЗ БАХАДИРОВНА

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИ ИШЧИЛАРИДА
ПНЕВМОКОНИОЗНИНГ РИВОЖЛАНИШ ХАВФИ ОМИЛЛАРИНИ
ПРОГНОЗЛАШТИРИШ ТИЗИМИНИ ИЛМИЙ АСОСЛАШ ВА
ОЛДИНИ ОЛИШ ТАДБИРЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

14.00.07 – Гигиена

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ - 2023

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида 31.03.2016/В2016.1.Тиб679 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «Ziyounet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Садиков Асқар Усмонович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Эрматов Низом Жумакулович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Тухтаров Баҳром Эшназарович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Мамасаидов Жамолиддин Турғунбоевич
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Хожа Аҳмад Яссавий номидаги халқаро қозоқ-турк университети (Қозоғистон Республикаси)

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Тиб.30.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент, Фаробий кўчаси. 2-уй. Тошкент тиббиёт академиясининг 10-ўқув биноси, 1-қават мажлислар зали. Тел./факс: (99871) 150-78-25, e-mail: info@tma.uz).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент, Фаробий кўчаси. 2-уй. Тошкент тиббиёт академиясининг 2-ўқув бино «Б» корпуси, 1-қават. Тел/факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2023 йил «_____» «_____» куни тарқатилди.

(2023 йил «_____» «_____» даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Г.И.Шайхова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.Ш.Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Ф.И.Саломова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертациясининг автореферати)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда сўнгги йилларда ривожланган мамлакатларда пневмокониоз энг кенг тарқалган касалликларидан бири ҳисобланиб, хасталик кун сайин ортиб юқори даражада сақланиб қолмоқда. ЖССТ маълумотларига кўра, меҳнат шароитлари ва меҳнат муҳити сифатини яхшилаш бўйича эришилган ютуқларга қарамай, дунёда касбий касалланиш (КК) ва ишлаб чиқариш жароҳатларининг юқори кўрсаткичлари сақланиб қолмоқда. Статистик маълумотларга кўра, 1990 йилдан 2017 йилгача бўлган даврда эркакларда ва аёлларда пневмокониоз билан хасталанганлар сони 81,1%гача ошган. Бироқ, ёш стандартига кўра эркаклар орасида тарқалиши сезиларли даражада юқори. 2010 йилги Глобал касаллик кўрсаткичига кўра, пневмокониоз дунёда 125000 нафар инсонларнинг ўлимига сабаб бўлган. Глобал касалликлар бюроси маълумотларига кўра «...2016 йилда 3495 нафар инсонлар пневмокониоздан вафот этган...»¹. Саноат чанги билан зарарланган ишчилар орасида пневмокониоз касаллигининг кун сайин ортиши қайд қилинган. Бу дунё бўйлаб соғлиқни сақлаш тизимининг асосий муаммоларидан бири бўлиб, иш жойларини саноат чанги билан ифлосланишини олдини олиш, ишлаб чиқариш корхоналари ишчиларида пневмокониознинг ривожланиш хавфи омилларини башоратлаш тизимини илмий асослаш ва олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқиш профилактик тиббиёт соҳаси ходимлари олдида турган ҳал қилиниши лозим бўлган долзарб муаммолардан биридир.

Жаҳонда ишлаб чиқариш корхоналари ишчиларида пневмокониознинг ривожланиш хавфи омилларини башоратлаш тизимини илмий асослаш ва олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқиш бўйича қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада архив материалларини асосида саноат фиброген аэрозоллари билан мулоқатда бўлган шахсларнинг соғлиғининг функционал ҳолати нуқтаи назаридан, тиббий кўрик натижалари ва касаллик тарихи маълумотларини, амбулатор карталар бўйича, тоғ-кон саноатида ишчиларнинг меҳнат шароитларини гигиеник баҳолаш, меҳнат муҳити омиллари ва меҳнат жараёни, пневмокониознинг тез ривожланиши ва ривожланишининг клиник белги ва сабабларини, кремний чанги туфайли нафас олиш бузилишининг олдини олувчи профилактика чораларини такомиллаштириш, фиброген аэрозоллари билан мулоқатда бўлган ишчиларда касалликнинг ривожланишининг олдини олиш учун пневмокониоз ривожланишининг мақбул хавфини башоратлаш ва эрта ташхис қўйиш усулларини ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, саноат корхоналарни билан боғлиқ касалликларни олдини олишда тўғри мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга

¹ Касбий касалликлар: қўлланма / Ед. акад. РАМН Н.Ф. Измерова . – Т. 2. Ишчилар учун касбий саломатлик хавфи: Қўлланма / Н.Ф. Измерова ва Е.И. Денисов редак. остида - М., " Троянт ", 2003 йил

мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етита устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, ишлаб чиқариш корхоналари ишчиларида пневмокониознинг ривожланиш хавфи омилларини башоратлаш тизимини илмий асослаш ва олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқишни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 18 декабридаги 4063-сон «Юқумли бўлмаган касалликларнинг профилактикасини, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолини жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 10 ноябрдаги 4887-сон «Аҳолини соғлом овқатланишни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 17 январдаги ПҚ–4124 «Тоғ-кон металлургия саноати корхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи³. Ишлаб чиқариш корхоналари ишчиларида пневмокониознинг ривожланиш хавфи омилларини прогнозлаштириш тизимини илмий асослаш ва олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқишга йўналтирилган қатор илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: University of Washington, University of Illinois Chicago; National Institute for Occupational Safety and Health; National Jewish Health (АҚШ); Universität Ulm am Bezirkskrankenhaus Günzburg (Германия); NHO Kinki-Chuo Chest Medical Center; Katano Hospital (Япония); University of Monash, University of Newcastle (Австралия); Chinese Academy of Medical Sciences (Хитой) University of Zhengzhou (Хитой) University of Beijing (Хитой); Shin-Aikai University of Hong

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.washington.edu, www.ku.edu, www.atlantaoralpathology.com, www.univr.it, www.unipv.it, www.uksh.de, www.keio.ac.jp, www.ico.gencat.cat, www.uoa.gr, www.ufsc.br, www.yonsei.ac.kr, www.sydney.edu.au, www.jazanu.edu.sa, www.rims.edu.in, www.mioi.ru, www.cancercenter.uz, www.toshvilonko.uz сайтлар асосида ишлаб чиқилган.

Kong (Гонк-конг); Санитария гигиена ва касб касалликлари илмий тадқиқот институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Ишлаб чиқариш корхоналари ишчиларида пневмокониознинг ривожланиш хавфи омилларини прогнозлаштириш тизимини илмий асослаш ва олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқиш борасида олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги натижалар олинган: кўмир конларида ишлайдиган ишчилар орасида пневмокониозни эрта ташхислашда кўкрак қафаси компьютер ташхисотининг замонавий тартиби ишлаб чиқилган University of Newcastle (Австралия); тоғ-кон металлургия корхоналари ишчилари орасида пневмокониоз ва бошқа ўпка касалликларининг ривожланишида корхан иш шароитидаги чанг ва кимиёвий моддалар хавф омили эканлиги исботланган (University of Illinois Chicago, АҚШ); замонавий шароитда кремний билан боғлиқ касалликларнинг бошқа нафас олиш тизими касалликларининг ривожланишида хавф омили эканлиги исботланган (University of Monash (Австралия); пневмокониоз касаллигини ривожланишида генетик мойиллик ва хавф омиллари исботланган (Shin-Aikai University of Hong Kong (Гонк-конг, Хитой); кунлик рацион таркибидаги нутриентив ўзгаришларнинг моддалар алмашинуви касалликлари асоратлари ўртасидаги корреляцион боғлиқлиги исботланган (University of Catania, Италия); овқат рациона таркибида ишлатиладиган биологик фаол қўшимчаларнинг биологик хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий меъёрий базаси ишлаб чиқилган (University of South Dakota State University, АҚШ); ишлаб чиқариш корхоналари ишчиларида пневмокониознинг ривожланиш хавфи омилларини прогнозлаштириш тизимини илмий асослаш ва олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқилган (Санитария гигиена ва касб касалликлари илмий тадқиқот институти, (Ўзбекистон).

Дунёда ишлаб чиқариш корхоналари ишчиларида пневмокониознинг ривожланиш хавфи омилларини прогнозлаштириш тизимини илмий асослаш ва олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқиш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: тоғ-металлургия саноатида ишчиларнинг меҳнат шароитлари, меҳнат муҳити омиллари ва меҳнат жараёнини таъсирини асослаш; кремний чанги туфайли нафас олиш бузилишининг олдини олувчи профилактика чора тадбирларини такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқиш; фиброген аэрозоллари билан мулоқатда бўлган ишчиларда касаллик ривожланишининг олдини олиш учун пневмокониоз ривожланишининг мақбул хавфини башоратлаш ва эрта ташхис қўйиш усулларини ишлаб чиқиш.

Муаммонининг ўрганилганлик даражаси. Хорижий мамлакатларда касбий касалликлар (КК) чанг этиологияси профилактика соҳасида санитария қонунчилигини такомиллаштириш бўйича ишлар олиб борилмоқда, масалан, Россияда қўлланиладиган пневмокониоз ва касбий юқори сезувчанлик пневмонитининг таснифлари ўпканинг касбий касалликлари ва интерстициал ўпка касалликлари (ИЎК) таснифи халқаро таснифлари билан таққослаганда таҳлил қилинган. Ишлаб чиқариш ва касб касалликлар таҳлили шуни кўрсатдики, бирламчи касб касалликларга чалинганлар умумий сонининг

80%ни нафас олиш тизими касалликлари ташкил этди. Уларнинг улушини силикоз-82,7%, сурункали чангли бронхит-9,6%, юқори нафас йўллари касалликлари-3,8% ва бронхиал астма - 3,9% ташкил этади. Уларнинг асосий қисмини эркактар 95,4%, пенсия ёшидагилар эса 43,6% ташкил этади. Тиббий кўрик натижаларини ҳисобга олган ҳолда касбий нафас олиш касалликлари билан хастланган ногиронлар сони кўп-53,6%, жумладан III гуруҳ ногиронлари 59,5%, II гуруҳ ногиронлари 21% ва 19,5 % (Г.П.Орлова, 2013).

Ўзбекистонда бугунги кунда атроф-муҳит омиллари инсон организмига салбий таъсирини баҳолаш ва меъёрлаш борасида қатор муаллифлар илмий тадқиқотлар олиб бормоқда (Т.И.Искандаров, 2022; Мирзакаримова М.А., 2021; Адиллов У.Х., 2019), бироқ, ишлаб чиқариш корхоналари ишчиларида пневмокониознинг ривожланиш хавфи омилларини башоратлаш тизимини илмий асослаш ва олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқилмаган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда пневмокониоз ривожланишида иммунологик механизмларнинг ўрни аниқланмаган. Пневмокониоз билан хастланган беморларда эрта ташхис қўйиш имкониятлари, яъни йирик саноат корхоналарида сурункали ўпка юраги билан хасталанган йирик саноат корхоналарида ишлайдиган пневмокониоз ташхисланган беморлар ва касбий ИЎК таснифининг янги ривожланишининг муқаррарлиги, пневмокониозни ўрганишнинг янги лаборатор ва профилактика усулларини асослаб берган, ушбу муаммони ҳал қилиш усулларини тавсия қилди. Жаҳон илмий адабиётларини ўрганиш шуни кўрсатдики, бизнинг республикамизда ҳали кремний чанглари таъсиридан келиб чиқадиган ўпканинг касб касалликлари жиддий ўрганилмаганлиги муаммонинг долзарблигини тақозо этади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим ЁКИ илмий-тадқиқот муссасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №АДСС-15.17.3 «Бирлаштирилган таъсирлар остида терапевтик ҳимоя воситаларини эрта ташхислаш, олдини олиш ва улардан фойдаланиш усулларини ишлаб чиқиш» (2015–2017 йй.) мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон саноат тармоғи ходимларининг касалликларини олдини олувчи ташхислаш тадбирлари ва профилактика усулларини такомиллаштириш асосида башоратлаш тизимини ишлаб чиқиш орқали эрта ташхислаш тартибини гигиеник жиҳатдан оптималлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

1998-2016 йиллар архив материалларини асосида саноат фиброген аэрозоллари билан алоқада бўлган шахсларнинг соғлиғининг функционал ҳолати нуқтаи назаридан, тиббий кўрик натижалари ва касаллик тарихи маълумотларини баҳолаш;

тоғ-кон-металлургия саноатида ишчиларнинг меҳнат шароитларини, меҳнат муҳити омиллари ва меҳнат жараёнини таъсирини амбулатор карталар бўйича гигиеник баҳолаш;

пневмокониознинг тез ривожланиши ва ривожланишининг клиник белгилари ва сабабларини баҳолаш;

кремний чанги туфайли нафас олиш бузилишининг олдини олувчи профилактика чораларини такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқиш;

фиброген аэрозоллари билан алоқада бўлган инсонларда касалликнинг ривожланишининг олдини олиш учун пневмокониоз ривожланишининг мақбул хавфини башоратлаш ва эрта ташхис қўйиш усулларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Олмалик кон-металлургия комбинати (ОҚМК, Қаулди кони) ва ОҚМК қошидаги Ангрен кон бошқармасининг (Қаучбулоқ кони) силикоз касаллиги билан хастланган 180 нафар ишчи санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-текшириш институти шифохонасида даволанган ва 2016-2018 йилларда метаболик жараёнларни коррекциялаш мақсадида ишлатиладиган «Бронхонорм» ва «Хилобронх» биологик фаол моддалари олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида ишлаб чиқариш корхоналари ишчиларида пневмокониознинг ривожланиш хавфи омилларини башоратлаш тизимини илмий асослаш ва олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқишда «Бронхонорм» ва «Хилобронх» биологик фаол моддалар, шифохона ва инструментал тадқиқотлар натижалари, қон зардобидаги биокимёвий ўзгаришлар ва кремний чангидан келиб чиққан балғамнинг дефрагментацияси ҳамда 2006-2016 йиллардаги касбий касалликларнинг таҳлил қилиш учун архив материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Ишлаб чиқариш корхоналари ишчиларида пневмокониознинг ривожланиш хавфи омилларини башоратлаш тизимини илмий асослаш ва олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқишда санитар-гигиеник, инструментал, клиник-биокимёвий клиник ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кон-металлургия саноати ишчилари орасида касбий пневмокониознинг ривожланишида иш ўринлари ҳавосидаги кремний сақловчи чанг миқдорининг ортиши ва ундан нафас олишнинг ўрни исботланган;

кон-металлургия саноати ишчилари иш ўринларида нафас оладиган ҳаводаги кремний чанги таъсирида ишчиларнинг ички муҳитдаги ўзгаришлар, яъни қон зардобида баъзи цитокинлар миқдорининг ортиши натижасида яллиғланиш жараёнининг юзага келиши ва фиброз тўқималарнинг ҳосил бўлиши ҳисобига пневмокониоз кўрсаткичларини баҳолашнинг гигиеник мезонлари ишлаб чиқилган;

биринчи марта 6 дақиқали поғонали тестдан фойдаланганда кварц ўз ичига олган чанг билан мулоқотда бўлган ишчилар организмнинг нафас олиш тизимининг функционал ҳолатини бузилишнинг ва унинг оқибатида организмнинг функционал имкониятларини пасайшининг гигиеник хусусиятлари исботланган;

кремний диоксиди конденсацияси аэрозоли билан алоқа тўхтатгандан кейин касалликнинг сабаблари ва нуқсонларини олдини олиш тартибини тизимлаштириш натижасида касбий касалликларни келтириб чиқарадиган

омилларнинг салбий таъсирини камайтириш бўйича тизимли санитар-гигиеник ва санитар-техник чора-тадбирларнинг ўрни исботланган;

кон-металлургия саноати иш муҳотида зарарли ва хавфли омилларни камайтиришнинг технологик, санитар-техник қоидаларга риоя қилиш билан биргаликда парҳез биологик фаол қўшимчалар ёрдамида қондаги цитокинлар миқдори ва ўпканинг тириклик сифimini ошириш, организмнинг функционал ҳолатни яхшилаш ва ишчилар орасида касбий касалликлар оқибатидаги ногиронликни олдини олиш тартиби ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

кон-металлургия саноати ходимларида пневмокониоз ривожланишининг илмий асосланган хавф омиллари баҳоланган;

таркибида кремний бўлган чанг, жараённинг ривожланиш турига кўра зардобдаги баъзи цитокинлар таркибининг бузилиши натижасида келиб чиққан пневмокониозни аниқлашнинг белгиланган ташхислаш тартиби баҳоланган;

биринчи марта жисмоний шахсларда 6 дақиқали поғонали тестдан фойдаланганда кварц ўз ичига олган чангга дучор бўлган тананинг функционал ҳолатининг ўзига хос бузилишларини баҳоланган;

кремний диоксиди конденсацияси аэрозол билан алоқа тўхтатилган бўлса, жараённинг кейинги ривожланишини тўхтатишни таъминлашга қаратилган профилактик ва даволаш тизими асослаб берилган;

касалликни эрта ташхислаш имконини берувчи чора-тадбирлар комплекси ишлаб чиқилган, кон-металлургия саноатининг иш муҳотида зарарли ва хавфли омилларни камайтириш бўйича профилактика чора-тадбирлари ишлаб чиқарилган;

Ўзбекистон аҳолисини касбий танлаш ва касб-хунар маслаҳати маркази касбга яроқсизлигини истисно қилиш, касалланиш, шикастланиш, ногиронлик ҳолатларини камайтириш ва ишчиларни тайёрлаш сифатини ошириш мақсадида мақсадли касбий маслаҳат ишларини олиб бориш тартиби баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган гигиеник, лаборатор, биокимёвий, ҳисоб-китоб ва статистик тадқиқот усуллари асосида ишлаб чиқариш корхоналари ишчиларида пневмокониознинг ривожланиш хавфи омилларини башоратлаш тизимини илмий асослаш ва олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқишнинг ўзига хослиги ҳалқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, ҳулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти силикознинг эрта ва дифференциал диагностикасида, пневмокониознинг кечишини, олдини олиш ва торпид терапиясини башоратлаш қилишнинг янги ёндашувларни ишлаб чиқишда

қўлланилиши, бу эса меҳнат қобилятининг давомийлигини ошириши ва беморларнинг соғлиғини сақлаши, шунингдек касб касалликларнинг ривожланиш хавфини камайтириши, саноат ишлаб чиқаришида касбий беморларни текшириш ва ҳисобга олиш бўйича йўриқномалар ишлаб чиқилган бўлиб, унда касб касалликларни текшириш тартиби, суғурта ходисаларини ҳисобга олиш, профилактика чоралари самарадорлигини баҳолаш ва касбий хавфларни бошқариш тизимини такомиллаштириш алгоритмлари мавжудлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган чоратадбирлар мажмуаси касб касалликларни олдиндан башоратлаш ва ўз вақтида аниқлаш, тиббиёт олий ўқув юртларидаги касб патологияси, фтизопульмонология, тиббиёт ходимларининг касбий таснифини ривожлантириш маркази»да маъруза, семинар, амалий машғулотлар ўтказишда фойдаланиш орқали саноат корхоналарида меҳнат шароитларини яхшилаш имконини берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Санитария гигиена ва касб касалликлари илмий тадқиқот институтининг эксперт кенгашининг 2023 йилдаги 21 июндаги 06-сон хулосасига кўра (илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассаларига жорий этиш бўйича Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институтининг 2023-йил 21-июндаги 260/01-05-сонли хати Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этилган):

биринчи илмий янгилик: кон-металлургия саноати ишчилари орасида касбий пневмокониознинг ривожланишида иш ўринлари ҳавосидаги кремний сақловчи чанг миқдорининг ортиши ва ундан нафас олишнинг ўрни исботлангани Тошкент вилояти Ангрен шаҳар кўп тармоқли тиббиёт бирлашмаси бўйича (07.06.2023 й.; №1499-10-148-ТВ/2023), DARMON SERVIS МЧЖ шифохонаси бўйича (16.06.2023 й.; №77), НКМК жамғармаси Давлат муассасасининг Учқудуқ худудий бошқармаси 2-тиббий санитария қисмининг санитария эпидемиология станцияси бўйича (15.06.2023 й.; №47) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Санитария эпидемиология осайишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг Учқудуқ тумани бўлими бўйича (19.06.2023 й.; №263-5-76-SES/2023) буйруғи билан амалиётига жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: кон-металлургия саноати ходимлари орасида иш ўринларидаги ҳаво таркибидаги кремений сақловчи чанг миқдорининг ортиши ва ундан нафас олиш ҳисобига касбий пневмокониоз касаллиги ривожланишини баҳолаш имконини берган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: кон-металлургия саноати корхоналари ишчилари орасида зарарли ва хавфли иш ўринларидаги ҳаво таркибидаги кремений сақловчи чанг миқдорининг меъёрий рухсат этилган миқдорий кўрсаткичдан ортиши натижасида ушбу цехлар ишчиларида ва атроф худудда яшовчи аҳоли орасида касбий касаллик пневмокониоз ривожланишининг турли даражаларини гигиеник баҳолаш орқали эришилган (меҳнатга лаёқатсизлик кунлари учун тўлови 1 нафар ишчига 1 292 307 сўмни ташкил қилади). Хулоса: таркибида кремний

сақловчи чанг таъсиридан келиб чиққан пневмокониознинг тизимли ривожланишини башоратлаш тартиби такомиллаштирилиб, корхонанинг 1 нафар ишчи ҳисобига бюджет маблағларини 1 292 307 сўмга иқтисод қилиш имконини берган;

иккинчи илмий янгилик: кон-металлургия саноати ишчилари иш ўринларида нафас оладиган ҳаводаги кремний чанги таъсирида ишчиларнинг ички муҳитдаги ўзгаришлар, яъни кон зардобда баъзи цитокинлар миқдорининг ортиши натижасида яллиғланиш жараёнининг юзага келиши ва фиброз тўқималарнинг ҳосил бўлиши ҳисобига пневмокониоз кўрсаткичларини баҳолашнинг гигиеник мезонлари ишлаб чиқилгани Тошкент вилояти Ангрен шаҳар кўп тармоқли тиббиёт бирлашмаси бўйича (07.06.2023 й.; №1499-10-148-ТВ/2023), DARMON SERVIS МЧЖ шифохонаси бўйича (16.06.2023 й.; №77), НКМК жамғармаси Давлат муассасасининг Учқудуқ худудий бошқармаси 2-тиббий санитария қисмининг санитария эпидемиология станцияси бўйича (15.06.2023 й.; №47) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Санитария эпидемиология осайишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг Учқудуқ тумани бўлими бўйича (19.06.2023 й.; №263-5-76-SES/2023) буйруғи билан амалиётига жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: кон-металлургия саноати ишчилари иш ўринларидаги ҳаво таркибидаги кремний чанги таъсирида жараённинг ривожланишга кўра зардобдаги баъзи цитокинлар таркибининг ўзгариши натижасида ривожланган пневмокониозни ташхислашнинг гигиеник мезонлари ишлаб чиқилган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: кон-металлургия саноати ишчиларида ривожланган пневмокониозни ташхислашнинг таклиф этилган цитокинларни текшириш усули бўйича таҳлил қилишда касалликни ривожланишини эрта аниқлаш натижасида касбий пневмокониоз касаллиги ривожланишидаги механизмини баҳолаш орқали иқтисодий самарадорликга эришилган (меҳнатга лаёқатсизлик кунлари учун тўлови 1 нафар ишчига 1 292 307 сўмни ташкил қилади). Хулоса: кон-металлургия корхонаси иш ўринларидаги ҳаво таркибидаги кремний чанги таъсирида ишчиларда хасталикнинг ривожланиш турига кўра зардобдаги баъзи цитокинлар таркибининг ўзгариши ҳисобига ташхисланган хасталикни олди олиниб, корхонанинг 1 нафар ишчи ҳисобига бюджет маблағларини 1 292 307 сўмга иқтисод қилиш имконини берган;

учинчи илмий янгилик: биринчи марта 6 дақиқали поғонали тестдан фойдаланганда кварц ўз ичига олган чанг билан мулоқотда бўлган ишчилар организмнинг нафас олиш тизимининг функционал ҳолатини бузилишининг ва унинг оқибатида организмнинг функционал имкониятларини пасайшининг гигиеник хусусиятлари исботлангани Тошкент вилояти Ангрен шаҳар кўп тармоқли тиббиёт бирлашмаси бўйича (07.06.2023 й.; №1499-10-148-ТВ/2023), DARMON SERVIS МЧЖ шифохонаси бўйича (16.06.2023 й.; №77), НКМК жамғармаси Давлат муассасасининг Учқудуқ худудий бошқармаси 2-тиббий санитария қисмининг санитария эпидемиология станцияси бўйича (15.06.2023 й.; №47) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Санитария эпидемиология осайишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг

Учкудук тумани бўлими бўйича (19.06.2023 й.; №263-5-76-SES/2023) буйруғи билан амалиётига жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: ўпка функциясининг компенсатор имкониятларини оптималлаштириш учун, пневмокониоз билан, турли даражадаги саноат чанги билан мулоқатда бўлган ишчиларда 6 дақиқали поғонали тест усули параметрларини динамик назорат қилиш даврида нафас олиш тизими функционал ҳолатининг бузилиши очиб берилган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: биринчи марта жисмоний шахсларда 6 дақиқали поғонали тестдан фойдаланганда кварц ўз ичига олган чанг билан мулоқатда бўлган ишчилар организмида нафас олиш тизими функционал ҳолатининг бузилишини даволаш ва профилактика қилиш натижасида иқтисодий самарадорликга эришилган (меҳнатга лаёқатсизлик кунлари учун тўлови 1 нафар ишчига ўртача 646 105,2 сўмни ташкил қилади). Хулоса: биринчи марта 6 дақиқали поғонали тестдан фойдаланганда кварц ўз ичига олган чанг билан мулоқатда бўлган ишчилар организмида нафас олиш тизими функционал ҳолатининг бузилиши олди олиниб, корхонанинг 1 нафар ишчи ҳисобига бюджет маблағларини 646 105,2 сўмга иқтисод қилиш имконини берган;

тўртинчи илмий янгилик: кремний диоксиди конденсацияси аэрозоли билан алоқа тўхтатгандан кейин касалликнинг сабаблари ва нуқсонларини олдини олиш тартибини тизимлаштириш натижасида касбий касалликларни келтириб чиқарадиган омилларнинг салбий таъсирини камайтириш бўйича тизимли санитар-гигиеник ва санитар-техник чора-тадбирларнинг ўрни исботлангани Тошкент вилояти Ангрэн шаҳар кўп тармоқли тиббиёт бирлашмаси бўйича (07.06.2023 й.; №1499-10-148-ТВ/2023), DARMON SERVIS МЧЖ шифохонаси бўйича (16.06.2023 й.; №77), НКМК жамғармаси Давлат муассасасининг Учкудук худудий бошқармаси 2-тиббий санитария қисмининг санитария эпидемиология станцияси бўйича (15.06.2023 й.; №47) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осайишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг Учкудук тумани бўлими бўйича (19.06.2023 й.; №263-5-76-SES/2023) буйруғи билан амалиётига жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: кремний диоксиди конденсацияси аэрозоли билан алоқа тўхтатилгандан кейин касалликни ривожланишига сабаб ва нуқсонларини олдини олиш натижасида касбий касалланишни эрта ташхислаш ва самарали даволаш сифати яхшиланган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: кремний диоксиди конденсацияси аэрозоли билан алоқа тўхтатилгандан кейин касалликни ривожланишига сабаб ва нуқсонларини олдини олишга қаратилган чора-тадбирларнинг тартиби тизимлаштириш орқали, касбий касалланишга олиб келувчи омилларни салбий таъсири камайтириш натижасида иқтисодий самарадорликга эришилган (меҳнатга лаёқатсизлик кунлари учун тўлови 50 нафар ишчига 32 305 260 сўмни ташкил қилади). Хулоса: кремний диоксиди конденсацияси аэрозоли билан алоқа тўхтатилгандан кейин касалликни ривожланишига сабаб ва нуқсонларини олдини олишга қаратилган чора-тадбирларнинг тартиби тизимлаштириш

орқали, касбий касалланишга олиб келувчи омилларни салбий таъсири камайтирилиб, корхонанинг 1 нафар ишчи ҳисобига бюджет маблағларини 32 305 260 сўмга иқтисод қилиш имконини берган;

бешинчи илмий янгилик: кон-металлургия саноати иш муҳотида зарарли ва хавфли омилларни камайтиришнинг технологик, санитар-техник қоидаларга риоя қилиш билан биргаликда парҳез биологик фаол қўшимчалар ёрдамида қондаги цитокинлар миқдори ва ўпканинг тириклик сифимини ошириш, организмнинг функционал ҳолатни яхшилаш ва ишчилар орасида касбий касалликлар оқибатидаги ногиронликни олдини олиш тартиби ишлаб чиқилгани Тошкент вилояти Ангрен шаҳар кўп тармоқли тиббиёт бирлашмаси бўйича (07.06.2023 й.; №1499-10-148-ТВ/2023), DARMON SERVIS МЧЖ шифохонаси бўйича (16.06.2023 й.; №77), НКМК жамғармаси Давлат муассасасининг Учқудук худудий бошқармаси 2-тиббий санитария қисмининг санитария эпидемиология станцияси бўйича (15.06.2023 й.; №47) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Санитария эпидемиология осайишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг Учқудук тумани бўлими бўйича (19.06.2023 й.; №263-5-76-SES/2023) буйруғи билан амалиётга жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: кон-металлургия саноатининг иш муҳотида зарарли ва хавфли омилларни камайтиришнинг технологик, санитар техник қоидаларга риоя қилиш билан биргаликда парҳез биологик фаол қўшимчалар ёрдамида қондаги цитокинлар миқдорини ва ўпканинг тириклик сифимини ошириш орқали хасталикни даволаш сифати яхшилانган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: саноат чанги билан мулоқатда бўлган ишчиларда пневмокониозни ривожланишини олдини олишда “Хилобронх” ва “Бронхонорм” биологик фаол қўшимчиларни қўллашни тавсия қилиш орқали кон-металлургия саноати ишчиларининг меҳнатга лаёқатсизлик кунларининг ўртача сони каматириш туфайли иқтисодий самарадорликга эришилган (меҳнатга лаёқатсизлик кунлари учун тўлови 1 нафар ишчига ўртача 646 105,2 сўмни ташкил қилади). Хулоса: “Хилобронх” ва “Бронхонорм” биологик фаол қўшимчиларни пневмокониоз ривожланишининг олдини олиш учун ўсимлик препаратлари сифатида тавсия этилиб, корхонанинг 1 нафар ишчи ҳисобига бюджет маблағларини 646 105,2 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий мақола чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 15 та мақола, жумладан, 11 та маҳаллий ва 3 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 175 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблигини, мақсади ва вазифаларини асослайди, ўрганиш объекти ва мавзусини тавсифлайди. Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларини соғлиқни сақлаш амалиётига тадбиқ этиш тўғрисидаги маълумотлар келтирилган, нашр этилган ишлар ва ишининг тузилиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Мехнатни муҳофаза қилишни ташкил этиш ва этиопатогенезнинг замонавий жиҳатлари, пневмокониознинг хавф омилларини гигиеник хусусиятларини замонавий талқини»** деб номланган биринчи бобда хорижий ва маҳаллий манбалар асосида пневмокониоз билан касалланишга таъсири қилувчи гигиеник омиллари ҳақида илмий манбалар таҳлил қилинган. Ушбу бобда пневмокониоз ривожланишининг асосий сабаблари, патогенетик механизмлари, уларнинг таснифи, шунингдек, ташхислаш ва даволашнинг гигиеник стандарт мезонлари ёритилган. Хастликни олдини олиш ва касбий касалланишни камайтиришни олдини олишга қартилган профилактик чора-тадбирларнинг муаллифлик ёндошуви ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг **«Ишлаб чиқариш корхоналари ишчиларида пневмокониознинг ривожланиш хавфи омилларини башоратлаш тизимини илмий асослаш ва олдини олишни баҳолашга қаратилган материал ва усуллар»** деб номланган иккинчи бобда ўрганилаётган материал ва қўлланилган тадқиқот усулларининг умумий тавсифи берилган. Тадқиқот клиник-инструментал ва клиник-лаборатор тадқиқот усулларига асосланган.

Белгиланган мақсад ва диссертация ишининг белгиланган вазифаларига эришиш учун 2016 йилдан 2018 йилгача бўлган даврда тиббий-профилактик тадбирларида бўлган 180 та субъектда ўпканинг касбий патологияси «силикоз» ташхиси билан тиббий кўрикдан ўтказилган хулосалар асосида клиник қисми белгиланган. Илмий иш жараёнида 1998-2016 йиллар давомида Соғлиқни сақлаш вазирлиги СГваКК илмий-тадқиқот институтида амбулатор хариталар, анамнез ва ҳисоботлардан нусха кўчирилган.

Объектлар гуруҳига ($n=180$, жинси-эркак) 180 нафар бемор, Олмалик кон-металлургия комбинати (ОКМК) «Қаулда» ва «Қаучбулоқ» конлари ходимлари олинган. Шундай қилиб, касалхонага ётқизилган беморлар сони 132 ($33,0 \pm 2,58$) ва 48 ($12,0 \pm 0,7$) нафар бемор ишчилардан ташкил топган ($p < 0,001$).

Ишда ретроспектив тадқиқот усули амбулатор карточкаларидан кўчирмалар, касаллик тарихи ва ҳисоботларидан фойдаланилган; клиник, рентгенологик, спирометрия, лаборатор (цитологик ва биокимёвий), шунингдек, Борг усулда 6 дақиқалик юриш усули. Тажриба усул пневмокониозли беморлар учун тавсия этилган парҳез кўшимчаларидан

фойдаланиш имкониятини асослаш имконини берган. Шундай қилиб, тажрибада биологик фаол қўшимчаларнинг ҳайвонлар организмидаги метаболик жараёнларга таъсири ўрганилган.

Биологик фаол қўшимчаларнинг (БФҚ) метаболик жараёнларига таъсири «Хилобронх» («STRONG PHARM» МЧЖ томонидан ишлаб чиқарилган) ва «Бронхонорм» (ишлаб чиқарувчи «SIRDARYO DORIDARMON») ларда ўрганилган.

Силикоз билан хастланган беморларнинг соғлиғини анъанавий усулда ва биологик фаол моддалар билан биргаликда тузатишдан сўнг ўрганиш учун текширувдан ўтаётганлар олтига гуруҳга бўлинган, ҳар бир гуруҳда беморлар сони 30 нафардан иборат: биринчи гуруҳ–I-II даражали силикоз–анъанавий тарзда даволовчи-профилактик муолажаларни олган; иккинчи гуруҳ–I-II даражали силикоз–«Хилобронх» парҳез қўшимчалари билан биргаликда даволовчи-профилактик муолажаларни олган; учинчи гуруҳ–I-II даражали силикоз–«Бронхонорм» парҳез қўшимчаси билан биргаликда даволовчи-профилактик муолажаларни ўтказган шахслар; тўртинчи гуруҳ–анъанавий даволовчи-профилактик муолажаларни олган билан II ва III даражали силикоз; бешинчи ва олтинчи гуруҳлар, шунингдек, II ва III даражали силикоз учун «Хилобронх» ва «Бронхонорм» даволовчи-профилактик муолажаларни олган ва парҳез қўшимчаларини олган. 10-12 кун давомида барча беморлар соғлиғи мунтазам равишда кузатилган. Бу муддатда спиromетрия, рентген, балғамни цитологик текширувлари, қон зардобиди цитокинлар текширилди ва бадақиқали усулдан фойдаланилди.

Олинган барча маълумотларни статистик қайта ишлаш параметрик ва параметрик бўлмаган кўрсаткичлар ёрдамида амалга оширилди. Параметрлик кўрсаткичлар орасида Стюдент-Фишер жуфтлик тест ишлатилди.

Диссертациянинг **«Тоғ-кон саноатида ишчиларнинг меҳнат фаолияти ва меҳнат шароитларини санитария -гигиеник жиҳатдан баҳолаш»** деб номланган учинчи бобида Ўзбекистон Республикасида касб касалликлар кўрсаткичларининг ўзгариш динамикаси ва уни башоратлаш хусусиятлари ўрганилган. Олинган маълумотларнинг таҳлили Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган шахслар ва бирламчи аниқланган касб касалликларини ҳисобга олишда статистик жиҳатдан муҳим фарқларни аниқламади. Аниқланишича, 2006 йилдан 2015 йилгача бўлган даврда касбий касалликлари (КК) билан хастланганлар сони 27,73%га камайган, бу ижобий кўрсаткич бўлса, 2016 йилда рўйхатга олинганлар сони 255 нафарга, янги ташхис қўйилганлар сони эса кескин ошган. Беморлар мос равишда 2,03 марта кўпайди. СГ ва ККИТИ шифохонаси томонидан 1998-2016 йиллар давомида меҳнат шароитлари ва касбий фаолият билан боғлиқ бўлган респиратор касалликлар бўйича тақдим этилган материаллардан маълум бўлишича, республикада, Тошкент шаҳарида «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖ (ОКМК) ва «Ангрен кон бошқармаси» ОАЖда ҳам беморлар сони сайин ортган.

Маълумотларга кўра, ўпка патологияси билан хастланган беморлар рўйхатга олинганлар умумий сонининг 44,48%ни ташкил қилди. Тадқиқот

вақтида касбий бронхитнинг улуши 9,4%, бронхиал астма 4,0%, пневмокониозлар кўп бўлиб, бронхопулмонар тизим касалликлари умумий сонининг 64,0% ни ташкил этди.

«Кучбулок» ва «Каулди» конларида ишлайдиган ишчилардан олинган маълумотларни таҳлил қилганда, бу борадаги кўрсаткичлар ўртасида статистик жиҳатдан сезиларли фарқлар аниқланган бўлиб, индекс асосан «Каучбулок» кони ходимлари томонидан мурожаат қилиш ҳолатларининг кўпайиши билан боғлиқ ва фақат 1998-2009 йилларда юқорида кўрсатилган ККларнинг 2010-2016 йиллардаги «Каулди» конининг ишчиларининг мурожати деярли бир хил эди.

Олинган маълумотлар, иш шароитларини ўрганиш учун амбулатор жадваллардан кўчирмалар меҳнат жараёнининг стрессини ва меҳнат шароитларини ўрганиш зарурати тўғрисида фиброген чанг таъсиридан келиб чиққан силикоз ривожланишини башорат қилишдан иборат. Меҳнат шароитлари СанҚваН 0141-03-сон «Меҳнат шароитларининг зарарли ва хавфлилиги, меҳнат жараёнининг оғирлиги ва интенсивлиги бўйича меҳнат шароитларининг гигиеник таснифи» бўйича баҳоланди. Иш жойларида шовқин ва тебраниш, иш жойларининг газ билан ифлосланиши ва чангланиш даражалари меъёрий ҳужжатларга мувофиқ аниқланди ва баҳоланди (1-жадвалга қаранг).

Маълум бўлишича, чанг омили кончилик ишчиларида пневмокониоз ривожланишининг этиологик омили ҳисобланади. Шундай қилиб, кремний диоксидини ўз ичига олган фиброген чанг билан алоқа қилиш, беморларнинг сўровини ретроспектив таҳлил қилиш натижаларига кўра, текширилган шахсларда касалликнинг ривожланишига 1-расмда шикоят қилинган субъектларнинг чанг этиологиясининг бронхопулмонар тизими ёрдам берган.

Саноатнинг зарарли тебраниш ва шовқин омилларининг биргаликда таъсири, ноқулай иқлим шароитлари ушбу касалликнинг ривожланишини кучайтиради.

Олинган натижалар аниқланган зарарли ва хавфли омилларнинг тоғ-кон саноати ходимларининг соғлиғига бевосита таъсири ва кремнийли чангдан келиб чиққан силикознинг ривожланишини исботлайди. Чўкувчи, кончи,

Мехнат шароитларининг гигиеник меъёрларга мувофиқлигини баҳолаш

Профессионал гуруҳ	Мехнат муҳити ва мехнат жараёни омиллари	Гигиена стандартлари (МПС, РЭД)	Ҳақиқий даража (қийматлар)	Иш шароитлари синфи
чўкувчилар	Аэрозол асосан фиброген таъсирга эга. 10-70% SiO ₂ билан аралаштирилган чанг	2	3.3	3.1
бурғуловчилар		2	3.5	3.1
ишчи		2	2.6	3.1
машинистлар		2	3.6	3.1
чўкувчилар	Шовқин, товуш даражаси, эквивалент товуш даражаси, дБА	80	95	3.2
бурғуловчилар		80	92	3.2
ишчи		80	76	2
машинистлар		80	92	3.2
чўкувчилар	тебраниш тезлиги даражасига эквивалент , дБ	109	112	3.1
бурғуловчилар		112/101	114/107	3.1
